

БУХОРО ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Н.Адизова – таянч докторант

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: ономастика, микротопоним, ойконим, лингвистик омил, семантик таҳлил, морфологик структура, диалектал хусусият, хронологик тасниф.

Ключевые слова: ономастика, микротопоним, ойконим, лингвистический фактор, семантический анализ, морфологическая структура, диалектальная особенность, амплитуда, генезис, хронологическая характеристика.

Key words: onomastics, microtoponym, antroponym, linguistic factor, semantic analysis, morphological structure, dialectal features, amplitude, genesis, chronological characteristics.

Тилшуносликда атоқли отларни ва уларнинг барча турларини ўрганувчи *ономастика* соҳаси мавжуд. Жой номлари атоқли отлар саналганидан топонимика ҳам ономастика доирасида қаралади. Чунки ономастика номшунослик саналиб, атоқли отлар назарияси ва амалиёти билан шуғулланар экан, мазмун жиҳатдан айнан унга мос келиши ва фақат номлар объекти нуктаи назардан фаркланадиган топонимиканинг бу соҳа доирасида қаралиши табиий. Топонимлар атоқли отларнинг бир қисми сифатида тадқиқотчига шундай ахборотлар бериш мумкинки, у буни тилнинг бошқа бирор бир ҳодисасидан олишга қодир эмас, дейди Г.П.Смолицкая [3:115-124]. Бу бўлим ўз ичига атоқли отларнинг турли-туман гуруҳларини қамраб олади. Шулардан бири топоним – жой номларидир. Топонимлар ўз навбатида жой номларининг кўплаб кўринишларини ифодалаши мумкин. Чунончи, кўча, гузар, маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳар ва ҳоказолар. Топонимларда қишлоқ номлари ўзига хос бир гуруҳ сифатида ажралиб туради.

Инсоният пайдо бўлганидан бери ўзининг атрофидаги оламни ўрганишга, ундаги сир-синоатларни очишга интилади. Баъзан эса атрофдаги оламнинг турли жиҳатларини ўзича номлайди. Бу бугунги кунга келиб топонимика номли фаннинг кенг қулоқ ёзишига асосий сабаб бўлди. Топонимикада жойларнинг номлари ўрганилади. Кўпгина жой номлари узок тарих давомида пайдо бўлиб, шаклланиб келмоқда. Янги тушунчалар, янги қарашлар янги номларнинг юзга келишини талаб ҳам қилмоқда. Агар паст-баландлик жойларни кўрсак, уларга *чуқур, тепа, баландлик, қир, адир* сўзлари иштирок этган ном “тўқиймиз”, тоғнинг алоҳида кўзга ташланадиган ўрнини *Ясситог, Қояли, Харсантош, Чўққили* деб номлаймиз.

Номлар одамлар каби қадимийдир, деган гап беҳуда айтилмаган. Кўпчилик номлар бир неча асрли тарихга эга. Жумладан, *Бухоро, Самарқанд, Хива, Ромитан, Шофиркон, Варахша, Пойкент* номларининг тарихи минг йилларга бориб тақалади.

Жой номларини ўрганишнинг ўзига хос аҳамияти мавжуд. Чунки уларда халқнинг узок ўтмиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳўжалик ҳаёти, маданий мероси акс этади.

Топонимлар асрлар давомида яратилган лисоний, тарихий ва маданий-маънавий мерос ҳисобланади. Уларда халқнинг қадимий даврлардан тортиб то шу кунгача бўлган ноёб кузатиш, тажриба ва турли эътиқодлари ўз ифодасини топган бўлади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида топонимларни тадқиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу, биринчи навбатда, топонимлар тилнинг турғун унсурлари сифатида халқларнинг тили ва тарихини ўрганишдаги муҳим аҳамияти билан белгиланади. Топонимияга оид тадқиқотлар нафақат қадимдан у ёки бу халқ, элат ва унинг тилининг тарқалиш ҳудудини, қатламлаштириш ҳамда шунга ўхшаш ҳодисаларни аниқлашга, балки халқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва этнолингвистик алоқаларни тиклашга, аниқлашга ҳам имкон беради. Бу жиҳатдан Қўйи Зарафшон воҳаси, аниқроғи Бухоро вилоят топонимларини тўплаш ва уларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай тилга мансуб бўлган топонимларни

лингвистик таҳлил этишда дастлаб уларни тасниф этиш масаласи туради. Чунки тўғри амалга оширилган таснифгина кузатишлар олиб боришни энгиллаштиради, тадқиқотларнинг самарали бўлишига қўмаклашади. «...топоним муайян маънони англатади, дейди С.Қораев, - топонимистлар таъбири билан айтганда, топоним информацияга эга ва у реал ҳодисани акс эттиради. Топонимларнинг ана шу реал воқеликни акс эттиришини ҳисобга олиб, уларни қандайдир группаларга бўлиш керак, албатта. Топонимларни ана шундай классификация қилиш уларнинг семантик моҳиятини ўрганиш ишини осонлаштиради деб ўйлаймиз» [7:11].

Бухоро туманида учрайдиган қишлоқ номларининг кўпчилиги қадимийдир. Улар турли сабабларга кўра номланган. Айрим қишлоқларнинг номланиш сабаблари унутилганлигини кузатиш мумкин: *Мижона, Мучавус, Наяк, Пат-пут, Сарҳанг, Қўлба* кабилар.

Тумандаги кўпгина қишлоқ номларининг аталаш сабабларини аниқ кўрсатиш имкони мавжуд. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Қишлоқнинг табиий-географик шароитига мос номлар: *Богидашт, Ёбухона, Жўйи одоқ, Оқработ, Ўба, Қумработ* кабилар.

2. Қишлоқ ҳудудига бирор боъектнинг мавжудлигига ишора қилувчи номлар: *Беширик, Боғи калон, Галаосиё, Диосиё, Жўборча, Қушхона, Қўли штрум, Қўҳна масжид, Маҳалла, Чортоқ, Чилтаноп, Чорбахосса, Чорбақр, Қайрағоч* кабилар.

3. Қишлоқнинг жойлаштириш ўрнига ишора қилувчи номлар: *Вогоскент, Қунжи қалъа, Лабобиён, Лаби денав, Чуқурработ, Юқори Кобдун, Юқори Ўба, Юқори Навметан, Юринболо, Юринпоён, Ўрта Навметан, Ўртабобот, Қўйи Кобдун, Қўйи Ўба* кабилар.

4. Қишлоқ аҳолисининг касб-кори, машғулотига ишора қилувчи номлар:

Бахмалбоф, Гилембоф, Дўғдўз, Ипакчи, Мошкорон, Мокисоз, Работи тўпчи, Соҳибкор, Тикончи, Товуқчи, Қўйхоним, Қуттисоз кабилар.

5. Қишлоқнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган номлар: *Денов, Хонабод, Янгиобод* кабилар.

6. Аҳолисининг ёки бирор шахснинг ижтимоий мавқеи билан алоқадор бўлган: *Бекжўғи, Сўфиён, Сўфиқорсар, Хўжахайрон, Хўжаработ, Шайхонча, Шайхлар* кабилар.

7. Шахс номи билан алоқадор қишлоқ номлари: *Дехқожи, Жонбобо, Мулки Саидон, Работи эшон, Работиқози, Работимиржон, Қавола Маҳмуд, Қози Саид, Ҳазратбобо* кабилар.

8. Лақаб билан алоқадор номлар: *Шалғамхўрон, Бўлама хўрон, Чаппа, Қорабобо, Ҳасанаттор* кабилар.

9. Уруғ-элат билан алоқадор қишлоқ номлари: *Арабхона, Афғонон, Маликон, Работи қалмоқ, Сўфиён, Туркон, Урганжхона, Хитойён, Хўжаработ, Ўзбекон, Қоракўлиён* кабилар [1:63].

Ҳар қандай кузатиш ва тадқиқотларнинг пировард мақсади топонимик маънони аниқлаш, топонимик бирликларнинг этимологизациясини амалга ошириш бўлиб ҳисобланар экан, топонимик тизимдаги сўзнинг *апеллятив ҳолати - топонегиз-топоформант-топонимик аниқлагич* тизимида сўзнинг топонимга айлангунга қадар бўлган маъноси, топонимик маъноси ва топонимдан кейинги ўсиб чиққан маъно занжири

аҳамиятли бўлиб қолаверади ва булар орасида топонимик маъно асосий ўрин тутати.

Хуллас, Бухоро туманидаги қишлоқ номларини ўнга

якин мавзу гуруҳларига ажратиш мумкин. Уларнинг семантик таркиби, этимологик таҳлили келажакдаги жиддий тадқиқотлар учун асос бўла олади.

Адабиётлар

1. Найимов С. Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати. 1997.
2. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. -Т.: "Мухаррир", 2009.
3. Смолицкая Г.П. Топонимический ареал и вопросы реконструкции лексической системы языка (на славянском материале). //Вопросы языкознания. 1978. №4.
4. Farhangi tafsirii zaboni to'chiki (iborat az 2 child) Чилди 1. А – NZeri tahriri Sayfiddin Nazarzoda (rais), Ahmadjon Sanginov, Said Karimov, Mirzo Hasani Sulton. -Dushanbe: 2008.
5. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 12 jildlik, 3-jild. -T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2002.
6. O'zbek tilining izohli lug'ati. 2 jildli, 1-jild. -M.: "Rus tili", 1981.
7. Қораев С. Географик номлар маъноси. -Т.: "Ўзбекистон", 1978.

Мазкур мақолада Бухоро тумани топонимлари мавзувий гуруҳларга ажратилди, диахрон ва синхрон усулда таҳлил қилинди.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности топонимов Бухарского района, выделены тематические группы микротопонимов и проведён их диахронный и синхронный анализ.

SUMMARY

In the article toponyms of Bukhara region are classified into thematic groups and analyzed from diachronic and synchronous approaches.

ФРАЗЕОЛОГИЗМЛЕР ҚУРАМИНДА «АҚ» ХАМ «ҚАРА» РЕҢ СЕМАНТИКАСЫНИҢ ҚОЛЛАНЫЛИҒИ

Г.Алламбергенова – ассистент оқытушы

Ж.Қобланова - талаба

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: сўз таркиби, лексика, бадий матн, фразеологизм, ранг атамалари, тур-хилли аңлатувчи ранглар, дунёнинг турли кўриниши, таркибида ранг атамалари берилган фразеологизмлар, рамзий маъно, лингвопоэтика, семиотика.

Ключевые слова: словарный состав, лексика, художественный текст, фразеологизм, названия цветов, цвета, обозначающие внешний вид, языковое описание мира, фразеологизмы с названиями цвета, символическое значение, лингвистика, семантика.

Key words: vocabulary, literary text, phraseological unit, colors, designation of appearance, language description of the world, phraseological units with names of colors, symbolic meaning, linguistics, semantics.

Бүгинги күнде дунья тил билиминде көркем шығарма тили- миллий тилдің бир бөлеги, оның айрықша бир көриниси сыпатында үйреніледі. Сонлықтан көркем шығарма тилин, оның стильлик айырмашылықтарын, өзіне тән лингвопоэтикалық өзгешеліктерін хәр тәрепке изертлеу - үлкен көркем образлы, экспрессивлік тәсіршеңлігі күшлі, мәні өткерлігіне ийе бийбаха байлығы. Сонлықтан шайыр хәм жазыушылар белгилі сөз усталары өз шығармаларында фразеологиялық сөз дизбеклеринен орынлы қолланыўға айрықша итибар береді.

Хәзирги ўақытта тез пәт пенен раўажланып атырған жәмийеттиң барлық тараўлары қатарында илим-пән, соның ишинде тил билиминде раўажланыўына өз тәсірин тийгизди. Лингвистикалық жаңа бағдарлар қәлипесе баслады. Булардан прагматлингвистика, лингвомаәдени, социоллингвистика, психолингвистика, лингвопоэтика хәм т.б тил билими тараўларында изертлеулер алып барылмақта.

Биз жасап атырған әлемди реңлер арқалы түрлі көринисте көз алдымызға келтиремиз. Реңлер тәбияттағы бар болған нәрселердің түсин, белгисин, қоршаған орталықтың гөззалығын сәулендиреди. Тәбият инсанды жаратқаннан бери, адамлар өзін қоршаған орталықты үйреніп қызығып жасаған. Реңлерге үлкен итибар берген, түрлі тәбият қубылыстарын аңлаўда реңлерге жүгинген.

Реңлер адамлардың түрлі халатына, эмоциясына, әлбетте өз тәсірин тийгизеди. Сонлықтан да, реңлерди хәр түрлі тараў илимпазлары изертлеуіге хәрекет етеди. Тилшилер де рең атамаларын негизинен лексикалық топарға киргизеди. Лингвистлер, этнолингвистлер, тил тарийхын изертлеушілер онға жақын тилди үйрене отырып, рең атамаларының системасында улыўмалық ұқсаслықлардың ушырасатуғын көриўимизге болады. Сондай-ақ белгилі бир реңге байланыслы тилде хәр түрлі идиомалар, фразеологизмлер хәм нақыл-мақаллар қолланылады. Олар хәр бир миллеттиң социаллық хәм тарийхый өтмишинен дәрек береді [1:65].

Қарақалпақ халқы гәпке шешен, бир гәп пенен-ақ

ойындағыны анық түсиндирип бере алатуғын дилўарлығы басым халық болған. Еки гәпиниң бирин хасыл сөзлер менен кестелеп, айтажақ пикирин дәл, тужырымлы етип жеткерип беріўде «тилдің маржаны» есапланған фразеологизмлерден, нақыл-мақаллардан ғәнимли пайдаланған. Халықтың неше әсирден бери қәлипесип қиятырған тарийхы, үрп-әдеті, мәдениеті, тили менен байланыслы қубылыстарды түсиндириўде рең атамаларының орны салмақты. Биз бул мақаламызда фразеологизмлер қурамындағы реңлердің семантикасы хәм олардың символлық мәнісине тоқталып өтемиз.

Көркем шығармаларда фразеологизмлер қурамында реңлердің берилиўи көбірек көзге түседі. Лингвокультурологиялық изертлеулерде тиллик өзгешелик сыпатында реңди билдириўши социаллық мәнилері хәм көркем текст тәрептен реңлер мәніси үйренілген.

Түркий тиллердеги рең билдириўши ақ хәм қара келбетликлериниң мәнилері, географиялық атамаларда қолланылыўы ҳаққында белгилі илимпаз А.Н.Кононовтың «О семантике слов «ақ» и «қара» в тюркской географической терминологии», «Семантика цветообозначений в тюркских языках» мақалаларында сөз етиледі. Илимпаз ақ хәм қара сөзлериниң мәнилеріне хәм оған байланыслы Қарақум, Қара теңиз хәм басқа да географиялық атамалардың келип шығыўына тоқтап өткен [2].

1960-жылларға келип өзбек тил билиминде келбетлик сөзлерди үйрениўге тилши алым М.Садықова кандидатлық диссертациясын жақлады [3:24]. Рус, өзбек, қазақ хәм қарақалпақ тиллеринде де реңди билдириўши, сондай-ақ ақ хәм қара келбетликлериниң мәнилик өзгешелигіне арналған бир қанша мақалалар жәрияланған. Р.В.Алиппиева «ақ» келбетлигиниң мәніси ҳаққында [4:13-27], Иброҳим Ҳаққул «қара» сөзиниң мәніси туўралы [5:17-24], Р.Н.Шойбеков рең билдириўши келбетликлердің мәнилик өзгешеликлерин [6:54-59] сөз етеди.

Ең дәслеп қарақалпақ тил билиминде реңди билдириўши атамалар бойынша А.Бекбергеновтың [7], А.Аймурзаеваның [8:32-36] мақалалары жарық көрди.